
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАН 2022 ЙИЛДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 230 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ЗИЁД ЖАМИ 314 МИНГ ТОННА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ

2022 йилда хорижга мева ва сабзавотлар экспорт қилган ҳудудлар орасида Фарғона вилояти Республикада биринчи ўринни эгаллади – 314,1 минг тонна (2021 йилга нисбатан 15,1 минг тонна кўп). Экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати бўйича ҳам вилоятимиз биринчи ўринда – 230 миллион доллар.

Туманлар кесимида олиб қараганда, Олтиариқ тумани хорижга экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми бўйича Республиканинг кўплаб вилоятларидан ҳам юқори натижа қайд этди – 117,6 минг тонна. Қува туманида ҳам экспорт ҳажми салмоқли бўлди – 37,7 минг тонна.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-05 12:03:11